

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

5.08.2022 йил

304-4-58-ОВ/2022-сон

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошкармаси номидан

(буюртмачининг номи)

Низом асосида иш курувчи Ж.Абдиев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Даврон файз инвест» МЧЖ Номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари И. Ф.Элмуродов иккинчи томондан, Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш капитал таъмирлаш объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қулланилади:

ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик, даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

вактинчалик иншоотлар — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган вақтинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш капитал таъмирлаш ишлари лойиҳада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «02» августдаги № 127888-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 92327850.0 (тўқсон икки миллион ўч юз йигирма етти минг саккиз юз эллик) сўми ташкил этади.

(сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати ўзил-қесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга _____-иловага мувофиқ. ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва/ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ. топшириш;

— _____-иловага мувофиқ, қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳрфаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклар ўрнатиш;

— қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

— мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш туғрисидаги қарорнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

— қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг Уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

— мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

— миллий валюта «сумда» узаре ҳисоб-китоб қилинганда — томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

— кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сумда» узаре ҳисоб-китоб қилинганда — шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқлорида, бу 27698355.0 сўмини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи уртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қуриш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

— объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида — ишлар қийматининг камида 45 фоиз миқдорида;

— мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин — ишлар қийматининг 51 фоизигача миқдорида, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукни узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш.

20. Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини — техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи ҳасалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязи қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва бўлиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида урнатиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашishi схемалари ва жадвалларини сақлайди.

ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишнадзорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларнинг оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишнадзорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисmini уз ҳисобидан очишга, суғра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини ҳисобласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикюшли оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озола саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмача томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақ-тида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши Тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган

қурилиш майдони ҳудудда материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида қилишга олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрилиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қилишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

— лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

— Ўзи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида қўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

— объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш туғрисидаги даволатномани имзолаган кундан бошлаб камиди 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Манжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама даволатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини даволатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қурсатилган даволатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишнинг истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

— шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақдга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўшайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риох этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

— конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишининг талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ, бўлмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қуйилганда;

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишининг талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0,5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нусхалар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низолар масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қўлини йукотадди.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бIRON-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. МаЗкур шартномага барча ушғартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги маЗкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб кетилган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар маЗкур шартномага қушимчалар ёки ушғартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш савасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. МаЗкур шартномада назарда тутилмаган бўлса барча ҳоллар учун амалдаги ҳонун ҳужжатлари нормалари қулданилади.

72. МаЗкур шартнома бир ҳил юридик ҳуққа эга бўлган 2 нусхада тузилди.

Шартнома муддати 31.12.2022 йил

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

«БҮҮҮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

Камаши туман Ободонлаштириш бонкармаси
ш/х: 30182186010110706520010003

Камаши Агробанк МФО: 00160

ИНН : 206946624

ОКОНХ 90211

Молия Вазирлиги Газначилиги

23402000300100001010

ИНН: 201122919

МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш.

Бошлик : Ж.Абдиев

“Даврон файз инвест” МЧЖ

х/р 20208000400272731001

“Турон » банк Қарши филиали

ИНН: 302789654

МФО: 00192

Бошлик:

Ф.Элмуродов



Handwritten signature of F. Elmuradov

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	JUMANAZAR ABDIYEV BEGIMQULOVICH
	Imzolangan sana	5 avg 2022 19:10
	Hujjat kodi	CI4456360674
	Hulosa kodi	LI6222866224

05.08.2022 йил

№ 2

Қамаши тумани

Қамаши туман Обод қишлоқ дастури бўйича Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш танлов асосида шартнома тузишни ташкил қилиш комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси:

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош муҳандис

Х.Қўйлиев

Мутахасис муҳандис

А.Тоғаев

хужалик мудир

Кун тартибда куриладиган масала:

Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш бўйича 2022 йилнинг август ойида Даврон Фаёз инвест МЧЖ билан шартнома қилиш, ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия танловга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш бўйича 5 та қурилиш ташкилотлари қатнашаётганлигини эълон қилди.

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 02 август кунда лот № 127888 сонли протокол эълон қуйилгандан кейин 7 та қурилиш ташкилотлари ўз таклифлари билан қатнашди ва энг юқори балл «Даврон Фаёз инвест» МЧЖ олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин «Даврон Фаёз инвест» МЧЖ билан шартнома тузилди.

Танлов комиссияси қарор қилади:

1. «Даврон Фаёз инвест» МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин.
2. Қамай МФЙ ҳудудида тунги ёритиш кўча чироқлари қуриш ишлари лойҳа смета хужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш мутахасис муҳандис Х.Қўйлиевга юклатилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи Р.Абдиевга юклатилсин.

Комиссия раиси:

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош муҳандис

Х.Қўйлиев

Мутахасис муҳандис

А.Тоғаев

хужалик мудир:

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

«Davron fayz invest» MCHJ» mas'uliyati cheklangan jamiyati va Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida Qamashi tumanidagi Qamay MFY hududida tungi yoritish ko'cha chiroqlari qurish va obyektni foydalanishga tayyor xolda topshirish bo'yicha 92 327 850.0 so'mlik ishlarni bajarish yuzasidan pudrat shartnomasi loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qamashi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 5 avgustda dasturga kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



B.Ro'ziyev

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 127888 на приобретение Камаши туман Камай МФЙ да тунги куча ёритиш чирокларини урнатиш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 02.08.2022

Время рассмотрения 02.08.2022 15:53

Конкурсная комиссия Камаши туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMOVICH	Рахбар	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	ESHMURADOVA ZULFIYA SUYUNOVNA	Котиба	75@gmail.com
Член комиссии	QULIYEV XOLMILIMIN QULYATOVICH	Бош мутахассис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Бош хисобчи	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Хужалик мудир	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Бош мутахассис	Камаши туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.08.2022 года № лота 127888.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 97.00 / Весовой коэф. ценовой части: 3.00)

Мин. балл: 42

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Камай МФЙ тунги куча ёритиш чирокларини урнатиш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 950 000.00
Стартовая сумма	29 950 000.00
Валюта	UZS
Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Камай МФЙ тунги куча ёритиш чирокларини урнатиш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	2 507 850.00

единицу	
Стартовая сумма	2 507 850 000
Валюта	UZS
Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Камай МФЙ тунги куча ёритиш чирокларини урнатиш ишлари
Количество товара	1 00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 970 000 000
Стартовая сумма	29 970 000 000
Валюта	UZS
Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Камай МФЙ тунги куча ёритиш чирокларини урнатиш ишлари
Количество товара	1 00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	29 950 000 000
Стартовая сумма	29 950 000 000
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл куйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди.)	8	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	10	90992182	8	Экспертная		
"MUBORAK MEMOR MAXSUS IXTISOSLASHGAN QURILISH TAMIRLASH" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	83250000	8	Экспертная		
SHAMSHOD ME'MOR	10	Низом ва	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс. балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МСП		гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари мавжуд				
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	10	Маълумот юкланди	8	Экспертная		
JMI BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	10	мавжуд	8	Экспертная		
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	10	10	8	Экспертная		

Критерий №2 Рейтинг даражаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг даражаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс. балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	20	20 балл қўйилган лозим талаб бўйича файл юкланди	15	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	20	409921x2	16	Экспертная		
"MUBORAK MEMOR MAXSUS IXTISOSLASHGAN QURILISH TAMIRLASH" mas uliyati cheklangan jamiyati	20	83250000	18	Экспертная		
SHAMSHOD ME MOR MCHJ	20	Рейтинг даражаси мавжуд	15	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	20	Маълумотнома илова қилинди	16	Экспертная		
JMI BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	20	мавжуд	15	Экспертная		
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	20	15	Экспертная		

Критерий №3 Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий қафолат хати тақдим этиши шарт (Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги)

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий қафолат хати тақдим этиши шарт (Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи

билан суд еки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULSHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл қўйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди)	10	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	10	60992182	10	Экспертная		
"MILBORAK MEMOR MAXSUS INTISOSLASHIGAN QURILISH TASHIRLASH" mas uliyati cheklangan jamiyati	10	83250000	10	Экспертная		
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	10	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати мавжуд	10	Экспертная		
DAYRON-FAYZ INVEST MCHJ	10	Маълумот мавжуд	10	Экспертная		
JMBS BUSINESS GROUP 2012 MCHJ	10	мавжуд	10	Экспертная		
"SEGMENT SERVICES INVEST" xususiy korxonasi	10	10	10	Экспертная		

Критерий №4 Ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома 10 кишидан кам булмаслиги керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома 10 кишидан кам булмаслиги керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULSHIRA LAZZATI MCHJ	15	15 балл қўйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди)	11	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	15	60992182	11	Экспертная		
"MILBORAK MEMOR MAXSUS INTISOSLASHIGAN QURILISH TASHIRLASH" mas uliyati cheklangan jamiyati	15	83250000	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание : Причина
SHAMSHOD ME MOR MCHJ	15	Ишчи ходимлар туғрида маълумотнома мавжуд	11	Экспертная	
DAYRON-FAYZ INVEST MCHJ	15	Маълумот юкланди	11	Экспертная	
JM BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	15	мавжуд	10	Экспертная	
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	15	15	11	Экспертная	

Критерий №5 Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Тип: Текстовое значение

Описание: Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание : Причина
GULSHIRA LAZZATI MCHJ	20	20 балл қўйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди.)	15	Экспертная	
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	20	90992182	15	Экспертная	
"ME'BORAK MEMOR MAXSUS INTISOSIASHGAN QURILISH TAMIRLASH" max uliyati cheklangan ramiyati	20	83250000	15	Экспертная	
SHAMSHOD ME MOR MCHJ	20	Тегишли техника ва асбоб ускуналари мавжуд	16	Экспертная	
DAYRON-FAYZ INVEST MCHJ	20	Маълумот юкланди	16	Экспертная	
JM BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	20	мавжуд	15	Экспертная	
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	20	20	16	Экспертная	

Критерий №6 Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл куйилиши лозим (галаб буйича файл юкланди.)	7	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	10	90992182	8	Экспертная		
"MUBORAK MEMOR MAXSUS IXTISOSLASHGAN QURILISH TAMIRLASH" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	83250000	7	Экспертная		
SHAMISHOD MEMOR MCHJ	10	Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари мавжуд	7	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	10	Маълумот юкланди	8	Экспертная		
JM BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	10	Маълумотнома мавжуд	8	Экспертная		
"SEGMENT SERVIS INVEST" an'usiy korxonasi	10	10	8	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"MUBORAK MEMOR MAXSUS IXTISOSLASHGAN QURILISH TAMIRLASH" mas'uliyati cheklangan jamiyati	92 377 850 00	83 250 000 00 UZS	83 250 000 00	00,00	83 250 000 00	30.07.2022 17:10:00	02,89
JM BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	92 377 850 00	80 300 000 00 UZS	80 300 000 00	00,00	80 300 000 00	01.08.2022 22:06:07	03,00
SHAMISHOD MEMOR MCHJ	92 377 850 00	90 922 850 00 UZS	90 922 850 00	00,00	90 922 850 00	30.07.2022 20:13:00	02,64
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	92 377 850 00	91 454 000 00 UZS	91 454 000 00	00,00	91 454 000 00	29.07.2022 18:51:31	02,63
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	92 377 850 00	90 992 182 00 UZS	90 992 182 00	00,00	90 992 182 00	29.07.2022 19:23:53	02,65
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	92 377 850 00	92 327 850 00 UZS	92 327 850 00	00,00	92 327 850 00	31.07.2022 12:06:40	02,61
"SEGMENT SERVIS INVEST" an'usiy korxonasi	92 377 850 00	89 900 000 00 UZS	89 900 000 00	00,00	89 900 000 00	01.08.2022 22:13:12	02,68

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"MUBORAK MEMOR MAXSUS IXTISOSLAHGAN QURILISH TAMIRLASH" mas'uliyati cheklangan jamiyati	70.75277	2.34	73.64277
JM BUSINESS GROUP-2022 MCHJ	71.89446	3	74.89446
SHAMSHOD ME'MOR MCHJ	73.03518	2.65	75.68518
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	71.89446	2.63	74.52446
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	74.17687	2.65	76.82687
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	75.31759	2.61	77.92759
"SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi	74.17687	2.68	76.85687

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 127888 от 02.08.2022 года на приобретение Камаши туман Камай МФЙ да тунги куча еритиш чирокларини урнатиш ишлари определила победителем:

DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ
302789654

и резервный исполнитель: "SEGMENT SERVIS INVEST" xususiy korxonasi (302904486)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDUTEV LUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QUTIYEV XOLMURAT QUVVATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUTEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOZAROV DAVJAMAL RASHIDOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП